● КОММУНИСТИК районидаги Свердлов номли колхоз деҳқонлари районда биринчилар қатори маккажўхори экишни (ўртада) бошлаб юбордилар. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида хўжаликнинг «Социализм» участкасининг ўзида 151 гектар ерда силос учун, 100 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирилади. Суратларда: (чапда) участка бошлиғи Пардабой Йўлдошев звено бошлиғи Цой Нак-Тюн билан иш маромини ва (ўнгда) бригада бошлиғи Алексей Сим (ўртада) Д. Сим ва Ф. Цойлар билан уруғ сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.







# ҲОСИЛ УРУҒДАН БОШЛАНАДИ

ПАХТАДАН мўл ва сифатли ҳосил олиш уруғдан бошланади. Тажрибали, кўпни кўрган деҳқонлар «сара уруғ —мўл ҳосил гарови» деб бежиз айтишмайди. Бунга жиддий эътибор бераётган колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари соғлом ва сара кўчат экилган майдонлардан гектар бошига мўлжалдагидан 4—5 центнердан кўп «оқ олтин» олишга эришмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Охунбобоев номли, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозлар, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз сингари бир қатор хўжаликларда уруғлик чигит тайёрлаш юксак савияда олиб борилаётганлиги туфайли йиллик план ва социалистик мажбуриятлар мунтазам ошириб бажарилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида областимиз пахтакорлари 140 минг 100 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирадилар. Шунга етарли миқдорда сара ва сифатли уруғлик чигит тайёрлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳозиргача тайёрлов корхоналарида пландаги 9 минг 17 тонна ўрнига 11 минг тоннадан зиёд уруғлик ишловдан чиқарилди. Кўпгина хўжаликларда бу муҳим масалага жиддий ёндошилмоқда. Уруғликни ташиб келтириш, сифатли сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аммо бу соҳада айрим район ва хўжаликларда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Тажрибадан шу нарса маълумки, у ёки бу хўжаликда асосан бир хил навдаги чигит экилса парвариш ишлари осон ва сифатли бўлади. Афсуски, кўп жойларда бунга амал қилинмайди. 3—4 хил навдаги пахта етиштирилади. Бу биринчидан, уруғчиликни ривожлантиришга жиддий путур етказмоқда, иккинчидан, ҳосилнинг етилиши ва сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки, ҳар бир навни ўзига хос агротехникаси бор. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу йил ҳам айрим колхоз ва совхозларга турли хил навдаги уруғлик чигитлар тарқатилмоқда. Уларнинг орасида хўжаликларга берилиши кўзда тутилмаган уруғликлар ҳам бор. Масалан, «Қорасув» пахта тозалаш заводи Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозга 14,5 тонна «С-4880» навли пахта чигит берган. Бу ҳам майли-я, хўжалик раҳбарлари ҳеч қандай рухсатсиз Бухоро областидан 100 тонна уруғлик ташиб келтиришган. Ваҳоланки, колхозда бу йил ҳамма экин майдонларига «Тошкент-1» навли чигит экилиши планлаштирилган. Ахир бундай уруғ областимизда етарли-ку!

Шу ўринда уруғлик тайёрловчи корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларига ҳам эътирозимиз бор. Улар районлардаги хўжаликларга уруғлик тақсимлашни

## «Тошкент ҳақиқати»нинг қўшма рейди

аниқ план асосида ташкил этишлари ва унинг бажарилишини назорат қилиб боришлари лозим. Афсуски, улар бу вазифаларини тўлиқ бажармаяптилар. Натижада, баъзи колхоз ва совхозлар пландагидан ортиқча уруғлик чигитларини олиб кетишмоқда.

Айрим хўжаликлар эса ажратилган уруғликни ҳалигача тўлиқ олишгани йўқ. Оққўрғон район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Рамиз Усмоновнинг маълумотига қараганда, районидаги биронта ҳам хўжалик ҳалигача уруғлик чигитни тўлиқ ташиб олмабди. Умуман ҳозиргача районда 19 минг 720 гектарга экиладиган 1202 тонна уруғликнинг 1096 тоннаси олинган.

Бундай камчилик бошқа районларда ҳам мавжуд. Масалан, Бекобод районидаги «Победа», Ленин номли колхозлар, «Авангард», Ойбек номли совхозлар, Бўка районидаги «Партия XX съезди», Мичурин номли колхозлар, Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Ғалаба районидаги Ленин номли колхозлар ҳамда Киров номли ўқув хўжалигида ҳалигача уруғлик чигит тўла ташиб олинмаган. Бунда фақатгина тайёрловчи ташкилотларни айблаш ҳам нотўғри. Уруғлик ҳақида энг аввало хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари жон койитишлари керак.

Бу йил областимизда кўпгина майдонларда пахтанинг янги, серҳосил навлари экилади. Масалан, 10 минг 405 гектар ерга «Оқ олтин», 15 минг 708 гектар майдонда «АН-Баёвут-2» навлари етиштирилади. Тажрибалар бу ғўза навларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди. Лекин ана шу янги навларнинг уруғлигини тайёрлаш ҳам жуда суст боряпти. Масалан, Оққўрғон районидаги уч хўжалик — «Ленинизм», «Ленинобод» колхозлари ҳамда Сегизбоев номли совхоз учун «Алимкент» пахта тозалаш заводи 25 тонна «Оқ олтин» навли пахта уруғлигини жўнатиши керак эди. Афсуски, бу хўжаликлар ҳалигача ўзларига ажратилган чигитларни олишгани йўқ. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, республикамизнинг бошқа областларидан олиб келинаётган бу нав пахталарнинг чигитларидан тайёрланаётган уруғлар жуда сифатсиздир. 25 март куни Сирдарё областидан «Алимкент» пахта тозалаш заводига келтирилган 62—67 партиядаги «АН-Баёвут-2» навли уруғлик таркибида шикастланган чигитнинг миқдори нормадан анча кўп чиқди. Бундай сифатсиз уруғлар экилган майдонларда тўлиқ гектарлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Уруғлик чигитнинг қанчалик бехато ва тўлиқ униб чиқиши уни сифатли сақланишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада айниқса, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бу ерда келтирилган 76 тонна «С-4880» навли уруғлик чигит дала шийпонлари ёнида қурилган махсус хоналарда сифатли сақланмоқда.

— Бараканинг боши уруғдан бошланади, — дейди колхоз раиси Зокир Пўлатов. — Бош агроном Бахтиёр Қўшбоев бошчилигидаги мутахассисларимиз уруғликнинг дориланиш даражасини, унувчанлигини текшириб кўрдилар. Биз ерларимизнинг тупроқ шароитини ҳисобга олиб чигит экиш нормасини белгилаб олдик. Ҳозир экиш мавсумига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

«Партия XXII съезди» колхозига қўшни Куйбишев номли колхоз деҳқонлари 1985 йилда 815 гектар ерда пахта етиштирадилар. Бу ерда ҳам олинган 74 тонна уруғлик чигит бригадаларнинг дала шийпонларига жойлаштирилибди: Лекин Ортиқ Омонтоев бошчилик қилаётган 1-бригада дала шийпонида уруғлик чигит колхозчиларнинг овқатланиб, дам оладиган хонасига туширилибди. Тожибой Қобилов бошлиқ 2-бригадада эса уруғлик атрофи очиқ айвонда турибди. Бу — санитагия-гигиена талабларига зиддир.

Бу ҳам майли-я, колхозда минерал ўғитларни сақлашга ҳам мутлақо эътибор берилмаяпти. Ҳар иккала бригадада ўғитлар тўкиб қўйилган биноларнинг томидан чакка ўтиб, ёмғирда қолиб исроф бўляпти.

Долзарб кунлар яқин. «Асосий вазифа ҳамма ерда чигитни қулай муддатларда 5—6 иш кунида экиб бўлиш ва уни ернинг табиий намига апрелнинг тўртинчи беш кунлигидан кечикмай тўла ва қийғоч ундириб олишдан иборатдир», дейилади область пахтакорлар советининг яқинда матбуотда эълон қилинган тавсияларида. Шунинг учун ҳам юқоридаги камчиликларни тезда бартараф этишга қаратилган тадбирларни зудлик билан амалга ошириш лозим. Шунга эришиш керакки, қулай кунлар келиши биланоқ, барча техника ва ресурсларни сафарбар этиб, белгиланган майдонларга сифатли тайёрлаб қўйилган уруғлик чигитларни ўз вақтида экиб олиш мумкин бўлсин.

**Н. ЖАВҲАРОВ,**
**область қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспектори.**

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# «ЛЕНИНОБОД» БОҒЛАРИДА

Мева, узум сингари нознеъматларнинг мўл-кўл бўлиши соҳибкорларнинг шу кунлардаги ишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Паркент районидаги «Ленинобод» совхозининг 2-бўлими 10-бригадаси соҳибкорлари бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бригада боғбонлари қишнинг очиқ келган кунларидан ҳам унумли фойдаландилар. Ҳосилдорликни оширишга қаратилган зарур тадбирларни кўрдилар. Натижада 45 гектар майдондаги мевали дарахтларга шакл бериш ишлари анча барвақт тугалланди. Шу кунларда токзорларда ҳам иш қизитиб юборилди.

Обид Қуронбоев, Абдулла ва Бакир Шодиев сингари ўртоқлар боғ ва токзорлардаги юмушларни сифатли бажаришда кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

— Биз,— дейди бригадир Отақул Туронов,— республика қишлоқ хўжалиги ходимлари йиғилишида қўйилган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаганмиз. Бу йил 420 тонна мева ва 200 тонна узум етказиб беришга аҳд қилганмиз.

**М. МИРКАМОЛОВ.**

# ПИЛЛАКОРЛАР ИШ БОШЛАЩДИ

Қайси хўжаликда тут дарахтларини парвариш қилиш ва майдонларни кенгайтириш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда пилла қурти боқиш анча осон кўчади. Ҳосил мўл ва сифатли бўлади. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида бу соҳада яхши ишлар қилиняпти. Шунинг учун ҳам хўжалик пиллакорлари ўтган йили қувончли натижаларга эришдилар. Илғор пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 80—90 килограммдан ошириб маҳсулот олдилар.

Колхоз пиллакорлари бу йил ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда тутзорлар парвариши кучайтирилди. Барг ҳосилининг мўл бўлиши учун зарур тадбирлар кўриляпти. Шунингдек, пилла қурти боқиладиган хоналарни ремонт қилиш ишлари ҳам авж олдирилди. Пиллакорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 15 минг 600 килограмм «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилганлар.

**Ш. РАҲМОНОВ.**



## КОЛЛЕКТИВ ОНАХОНИ

ҲАР БИР муваффақиятли операция, ҳар бир сақлаб қолинган ҳаёт шифокор фаолиятида ўчмас из қолдиради. Мана бугун ҳам пойтахтимиздаги 6-туғуруқхона бош врачи учун қувончли кун бўлди. У ҳозиргина нозик операцияни охирига етказди. Шу муносабат билан ҳамкасблари моҳир жарроҳни гуллар билан табрикламоқдалар.

Ҳа, Е. Н. Осипова тажрибали шифокор, меҳрибон устоз. Октябрь революцияси ордени нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, Куйбишев район Советининг депутати Евгения Николаевна чиндан ҳам коллектив обрў-эътиборини қозонган. Шу боис уни ҳамма «Онахонимиз» деб атайди. Зотан, йигирма беш йил мобайнида унинг раҳбарлигида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича туғуруқхонада қатор яхши тадбирлар амалга оширилди. Суратда: Е. Н. Осипова (чапдан тўртинчи).

А. Абалян фотоси.

# ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

**ВЕНГЕР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИГА!**

## ҚИРҚ ЙИЛ СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

Иш столим устида бундан 40 йил аввал олинган фотосуратлар ҳамда ҳужжатлар ётибди. Уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Фотосуратлардан бирига «1945 йил қишининг охири, Венгриянинг бир қисми озод қилиб бўлинди. Пойтахт учун жанглар кетмоқда», иккинчисига эса «1945 йилнинг 4 апрели», деб ёзиб қўйилган. Мамлакатимиз озод қилинганлигининг 40 йиллиги кунларида ватандошларим хотирасида яна кўп нарса гавдаланади.

Совет Армияси мамлакатимиз пойтахти Будапештни фашистлардан 1945 йилнинг 13 февралида озод қилди. Генерал-майор И. Т. Замерцев Будапештнинг биринчи коменданти бўлди. Кўп жиҳатдан унинг куч-ғайратлари натижасида вайронага айлантирилган шаҳар тез орада тикланди. Совет комендатураси алоқани йўлга қўйди, шаҳар аҳолисига озиқ-овқат билан ёрдам кўрсатди, тиклаш ишлари учун солдатлар ажратиб берди. Генерал очиқ, қувноқ ва самимий инсон эди.

1945 йил 1 Май намойиши унинг фаолияти натижаларидан яққол далолат беради. Агар шаҳар ҳаёти уч ойдан ҳам камроқ вақт ичида нормаллашмаганида 100 минг кишилик намойиш ўтказиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Иван Терентьевич Замерцевга шаҳар озод этилганлигининг 40 йиллиги байрамини кўриш насиб этмади. У 1981 йилда вафот этди. Будапештнинг ундан миннатдор аҳолиси таклифи асосида генерал хотирасини абадийлаштириш мақсадида шаҳар майдонларидан бирига Замерцев номи берилди.

Совет жангчилари бизга озодлик билан биргаликда янги тарихий истиқбол ҳам келтирдилар. Биз 1919 йилда Улуғ Октябрдан намуна олиб Венгрия Совет Республикасини барпо этган эдик. Фашизм зулмидан халос бўлганимиздан сўнг яна янги жамият қуришга киришдик.

Бу иш оғир шароитларда олиб бориларди. Уруш мамлакатимизни деярли бутунлай хонавайрон қилди. Аммо халқимиз якка-ёлғиз эмасди. Бизга совет кишилари ёрдамга келдилар.

СССР билан ВХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда имзоланган шартнома тарихан қарор топган муносабатларимизни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ўтган ўн йилликлар мобайнида бизнинг алоқаларимиз жуда ҳам кенгайиб кетди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва Варшава шартномаси доираларидаги ўзаро ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Венгриянинг ташқи савдосида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар етакчи ўринни эгаллайди. СССР билан ВХР ўртасидаги савдо обороти мамлакатимиз умумий экспорти ва импортининг 30 процентини ташкил этади. Биз СССРдан саноат учун зарур бўлган техника воситаларининг анчагина қисмини, энергия ва хомашё оламиз. «Дўстлик» нефть қувури, «Қардошлик» ва «Союз» газ қувурлари, Пакшадаги атом электр станцияси қурилиши, алюминий хомашёсини бирга қайта ишлаш тўғрисидаги шартнома, Совет Иттифоқи йўлларидаги «Икарус»лар, фан ва техника ютуқларидан биргаликда фойдаланиш — буларнинг ҳаммаси бизнинг ҳамкорлигимиз самарали ривожланиб бораётганлигидан ёрқин далолат беради.



● **БУНДАН қирқ йил муқаддам Совет Армияси шиддатли жанглардан сўнг Венгрияни немис-фашист босқинчиларидан озод қилган эди.** Бу сурат ҳам ўша пайтда олинган: **Ғалаба байроғи парламент биноси пештоқида.**

МТИ—ТАСС фотоси.

Ҳозирги пайтда Венгрия экономикасини интенсив ривожлантириш халқ хўжалигининг электроника, атом энергетикаси сингари соҳалари тармоқларидаги фан техника тараққиёти суръатларини айниқса жадаллаштириш билан узвий боғлиқдир. Бу вазифаларни ҳал этишда мамлакатларимиз ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома муҳим роль ўйнайди. Бу шартнома ҳам фундаменталь, назарий, ҳам амалий соҳаларини қамраб олган. Яъни у амалда мамлакатларимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга хизмат қиляпти.

Биз Венгрия озод этилганлигининг 40 йиллигини байрам қилар эканмиз, СССР халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатида мустаҳкам таянч, тинчлик ва хавфсизлигимизнинг гарови, деб комил ишонч билан айтамиз. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда Венгриядек кичик мамлакат учун СССР билан қардошларча иттифоқ жуда ҳам муҳимдир. Бу иттифоқ бизнинг кучимизга куч қўшяпти.

Биз ҳамиша Совет Иттифоқи билан ёнма-ён бўлганмиз ва келажакда ҳам ёнма-ён бўламиз. Бизни марксизм-ленинизмнинг ягона таълимоти, мақсад ва вазифаларимизнинг муштараклиги, тинчлик ишига содиқлигимиз бирлаштириб туради.

Гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида турган шу кунларда биз уруш йилларидаги қурбонлар ва йўқотишларни доимо ёдимизда бўлиши, бу ғалабага эришиш учун қанчадан-қанча қон тўкилганлигини ёдимизда тутишимиз шарт. Айни пайтда янги уруш хавфининг олдини олиш учун янада активроқ ва қатъият билан курашишимиз керак. Буюк совет халқи билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бизнинг халқимиз учун социализм ва коммунизм йўлидан олға қараб дадил боришимизнинг ишончли кафолатидир.

**Ференц ДЭАК,**
**венгер публицисти.**

**(АПН).**

## МУСТАҲКАМ НЕГИЗ

ХЕЛЬСИНКИ, 1 апрель. (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномаси иккала мамлакат ўртасида барча соҳалардаги кўп ёқлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Парламент ташқи ишлар комиссиясининг бу ерда тарқатилган баёнотида ана шундай дейилган. Парламент комиссияси Финляндия ҳукуматининг халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги унинг ҳисоботини кўриб чиқиб, Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномаси 2003 йилга қадар 20 йил муддатга узайтирилганлиги ниҳоятда муҳим воқеа бўлганлигини қайд этиб ўтди. Финляндия ташқи сиёсатининг таг-заминли пойдевори бўлган шу шартнома ўзгартирилмай узайтирилганлиги унинг иккала томон энг муҳим манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигидан далолат беради, дейилади комиссиянинг баёнотида.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахтида тинчлик ва қуролсизланиш учун кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойиш «Европа шимолида ядросиз зона учун», «Ерда ва космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаймиз», «Европада Американинг ядровий ракеталари жойлаштирилишига йўл йўқ!» деган шиорлар остида ўтди. Намойишда парламент депутатлари, мамлакатдаги сиёсий партиялар ва касаба союзларнинг, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг намояндалари қатнашдилар. Копенгагеннинг марказий майдонида бўлиб ўтган митингда 60 минг киши иштирок этди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар империалист доиралар ўтказаётган ядровий қуролланишни кучайтириш сиёсатини, Рейган маъмуриятининг қуролланиш пойгасини космосга олиб чиқиш режаларини қаҳр-ғазаб билан қораладилар. Улар кескинликни юмшатиш йўлини давом эттиришни, ерда қуролланиш пойгасини тўхтатишни ва космик қуролланиш пойгасининг олдини олишни талаб қилдилар.

Даниянинг бошқа шаҳарларида ҳам урушга қарши оммавий намойиш ва митинглар бўлиб ўтди. Уларда юз мингга яқин киши қатнашди.

● ЛЮКСЕМБУРГ. Бу ердаги «Эш-сюр-альзетт» шаҳрида оммавий тинчлик юриши бўлди. Мамлакатнинг турли районларидан келган юзлаб тинчлик тарафдорлари тинчликни ҳимоя қилиш Люксембург комитетининг даъватига лаббай деб жавоб бериб, тинчлик юришида қатнашдилар. Улар «Урушга йўл йўқ, фашизмга йўл йўқ!», «Американинг биринчи зарба урувчи ядровий ракеталари Ғарбий Европадан олиб чиқиб кетилсин!», «Европа ядросиз зонага айлантирилишини талаб қиламиз!», «Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўйилмасин!», «Ядро қуроли синовлари ман этилсин!» деган шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб колонналарда ўтдилар.

● ЛОНДОН. Якшанба куни Жанубий Африканинг Порт-Элизабет шаҳри районида мунтазам қўшинлар, шунингдек апартеид режими ва ирқчилар терроридан қурбон бўлган кишиларни дафн этишда қатнашган ўн минглаб африкаликлар ўртасида қонли тўқнашувлар юз берди. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, солдатлар ва полициячилар мотам маросими қатнашчиларига қарата ўт очдилар, уларга қарши пластик ўқлар ва кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаландилар, таёқчалар билан калтакладилар. Кўрган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, бир киши ўлган, кўплаб кишилар жароҳатланган ва майиб бўлган.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Пиночет фашист режими охранка агентлари оппозициянинг уч нафар таниқли арбобини ваҳшиёна ўлдирганлигига қарши Чили пойтахтида бўлиб ўтган норозилик намойиши қатнашчиларига жабр-зулмни ёғдирди. Бундай намойишлардан бири Сантьяго марказидаги католик собори ёнида бўлди. Юзлаб кишилар «Қотиллар, қотиллар!» деб баланд овоз билан қайта-қайта такрорладилар. Полициянинг махсус қисмлари намойишчиларга қарши кучли сув пуркагичларни қўлладилар, уларни таёқчалар билан калтакладилар. Норозилик намойиши қатнашчилари орасида ярадор бўлганлар бор, кўпчилик қамоққа олинди.

Охранка агентлари ўқитувчилар касаба союзи биносига ҳужум қилиб, бир неча кишини қўлга олдилар. Ана шу касаба союз раҳбарларидан бири Мануэль Герреро ўлдирилган ватанпарварлар орасида бор эди. Уларнинг таниб бўлмас жасадлари Сантьяго чеккаларидан топилди. (ТАСС).

## ЭРОН — ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 1 апрель. (ТАСС). Бугун Ироқ авиацияси Теҳронга зарбалар урди. Ғилони-ғарб, Сабрилзаҳоб, Меҳронга ҳамда Эроннинг бошқа шаҳарларига осмондан ҳужумлар қилинди, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг хабарида. Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари ўтган кунлар мобайнида «Дажла» дарёсининг шарқ роғидаги участкада 145 марта жанговар учиш қилиб, душманнинг солдатлари ва ҳарбий техникасини йўқ қилди. Басрадан шарқроқда, фронтнинг марказий участкасида ва Майсан секторида жанглар давом этди, шу жанглар натижасида ҳам эронликлар талофот кўрдилар.

Эрон артиллерияси Басрани ҳамда Саид Содиқ, Ҳурмал ва Ҳалабча қишлоқларини тўпга тутди.

НИКОСИЯ. 1 апрель. (ТАСС). Эроннинг Ирна ахборот агентлиги бугун Ироқ авиацияси Теҳронни бомбардимон қилганлигини хабар берди. Аҳоли ўртасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор, уй-жой бинолари вайрон бўлди.

Эроннинг олисга отадиган артиллерияси Басра, Фао ҳамда Ироқнинг бошқа шаҳарларидаги саноат ва ҳарбий объектларини тўпга тутди. Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Сулаймония ва Жассан шаҳарларини бомбардимон қилди.

